

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭТНОМАДАНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИ

Насиба Юнусова

Ходжаева Нодира

Тошкент Давлат Транспорт Университети

уқитувчилари

nasiba.yunusova.1968@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Этномаданиятни ривожлантиришида этномаданий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг алоқадорлиги, янгиланаётган жамиятимиз маънавий ҳаётида миллий гоя ва этникқадриятларнинг ролига доир масалалар таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: Этномаданият, қадриятлар, мафкура, дунёқараиш, ўз-ўзини англаш, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, этнос, субэтнос, этнопсихология.

ABSTRACT

The interrelation of ethnocultural values and national identity in the development of ethnoculture, issues related to the role of national ideals and ethnic values in the spiritual life of our modernizing society are analyzed.

Keywords: Ethnoculture, values, ideology, worldview, self-awareness, interethnic harmony, interreligious tolerance, ethnoscience, subethnos, ethnopsychology.

КИРИШ

Жаҳон халқларининг миллий ўз-ўзини англаши, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглигини таъминлашда этномаданий қадриятларнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий аҳамияти ошмоқда. Техноген цивилизация, рақамли технологиялар анъанавий этномаданий қадриятларнинг замонавий қадриятлар тизими билан алмашинувига таъсир этмоқда. Айни пайтда, айрим халқларнинг ижтимоий ҳаётида этномаданий қадриятларнинг бузилиши, баъзи этномаданий қадриятлардан миллатлараро низоларни кучайтириш мақсадида фойдаланилмоқда. Шу боис, илм аҳлининг модернизациялашган этномаданий қадриятлар тизимини таснифлаш, улардан ижобий мақсадларда фойдаланиш, янги авлод ёшларига миллий қадриятларни етказиш ва шу орқали авлодлараро ворисийликни таъминлашда мафкурунинг дунёқараашни шакллантирувчи, интегратив, бирлаштирувчи функцияларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Этнос (юононча- қабила, халқ) – муайян табиий - экологик шароитларда тарихан юзага келган кишиларнинг барқарор мажмуи³. Этнос (диалектларни ҳам қўшганда) қиёфа ва барқарор маданиятга барқарор хусусиятларига, руҳий ўзига хослик ва менталитетга эга бўлади. Этнос келиб чиқиши асоси бирлигини ва тарихий тақдиди ягоналигини, бошқа этнослардан фарқини англаш хусусиятига эгадир. Этноснинг шаклланиши тил ягоналиги, маънавий (шу жумладан, диний) қадриятлар, худуд, гарчи кейинчалик худуд умумийлиги йўқолган бўлсада, шунингдек, хўжалик турмуши бирлиги асосида юз беради. Маданият таркибий қисмларининг биронтаси ҳам (тил, урф, халқ санъати, дин, анъаналар, турмушнинг ўзига хослиги, хулқ-атвор меъёрлари ва ҳоказо) мажбурий этник табақалаштирувчи белгиси ҳисобланмайди. Этноснинг тарихий шакллари – қабила, элат, миллат. Этнос этномаданий умумийлик (субэтнос)лардан – урф, қабила, табақа ва ҳоказодан ташкил топади. Этносни шакллантиришда қатнашувчи авлодлардан ташкил топган мураккаб яхлит тизимдан иборат бўлади. Субэтнослар этник тизим асосий белгиларини сақлаган ҳолда айрим ўзига хос одатлар, хулқ-атвор, ҳиссиётни ифода этиш ўзига хос усули, турмуш тарзи, диалектик ва бошқалар билан бир-биридан фарқланади.

Евropa олимлари томонидан этнопсихология соҳаси ривожлантирилди. Термин “этнопсихология” (Völkerpsychologie) XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, немис файласуфлари Г. Штейнгал ва М. Лацарус томонидан муомалага киритилди. 1859 йилдан бошлаб, «Zeitschrift für Völkerpsychologie und Sprachwissenschaft» журнали нашр этила бошланди. Бунда тил, дин, хукуқ, санъат, аҳлоқ халқ психологиясини ўз ичига оловчи асосий омил эканлиги, яъни характерини, ҳиссиётини, ихтиёр эркинлигини ёритувчиси эканлиги масалалар кенг ёритилди.

Дунёда турли халқлар ва миллатларнинг маданий анъаналари, турмуш тарзи, тили ва урф-одатлари, этномаданий қадриятларнинг трансформациясини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Миллий ғоянинг этномаданий қадриятларни асраш ва сақлаш, миллатнинг руҳи, мақсадларини намоён этиш омили сифатидаги аҳамиятини тадқиқ этиш бўйича янги методологик ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда. Миллий ғоянинг инсон манбаатлари ҳимояси, этномаданий қадриятлар билан боғлиқ тарихий, ижтимоий, маънавий жиҳатларини асослаш бўйича илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга эҳтиёж ошмоқда.

Мустақиллик ўзбек этномаданиятидаги анъанавий қадриятларни қайта тиклаш, улардан унумли фойдаланиш, халқимизнинг жаҳон маданияти ва

цивилизациясидан, илғор давлатлар эришган ютуқлардан, умуминсоний қадриятлардан бевосита ва тўла баҳраманд бўлишига имкон яратди.

Этномаданий қадриятларнинг ижтимоий аҳамияти авваламбор, жамият хаётида этномаданият ўйнайдиган роль билан ҳам белгиланади. Бугунги кунда Н. А. Бердяевнинг «Философия неравенства» (нотенглик фалсафаси) китобида шакллантирилган фараз ҳақлигини батафсил исботлаб ўтиришнинг зарурати йўқ. Бу китобда у насл сифатидаги инсоният мавжудлигининг олий мазмуни шахсларнинг ўсиб бораётган барча моддий эҳтиёжларини бутқул қондиришга қодир бўлган самарали фаолият кўрсатувчи иқдисодиётни яратиш эмас, сиёсий институтлар фаолиятини такомиллаштириш ҳам эмас балки маданиятни яратиша эканлиги тўғрисида ёзган эди. Мазкур мулоҳаза мамлакатимиздаги ва ҳориждаги деярли хеч бир етук тадқиқотчилар томонидан рад этилмайди. Худди Н.Бердяев сингари улар ҳам маданият у ёки бу халқ томонидан кўп асрлар давомида яратилган энг яхши жихатларни ўзида жамлашидан, айнан маданият туфайли инсон ўзини тарихнинг асл субъекти деб таниши юз беришидан келиб чиқадилар.

Этномаданиятнинг “тарихий-этнографик ва этно тузилиши қанча барқарор бўлмасин мазкур этнослар вақт ҳукми билан доимо ривожланиб, ўзгариб турган”. Ушбу тадбиркорлик маданияти замонавий ўзбек халқининг ҳаётий кўнилмаларига айланиши лозим. Бу ўринда этномаданият билан замонавий маданият уйғунлашиб, халқимизда янги умуминсоний, умуминсоний қадриятларнинг шаклланишига олиб келади. Сиёсий, ҳукуқий соҳаларда ҳам шундай трансформацион ва модернизацион ўзгаришлар содир бўлмоқда.

ХУЛОСА

Демак, маданий, жумладан этномаданий қадриятларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш фаолиятнинг ўзига хос турига мансуб эканлигини, бусиз жамият тараққиёт йўлидан боролмаслигини, ҳам айрим инсон, ҳам бутун инсоният учун сохта эмас балки асл ҳаёт учун шароитлар яратиб бўлмаслигини кундан қунга қўплаб кишилар англамоқдалар. Бу фикр дунёning маданий турли туманлигини сақлаб қолиш, маданиятлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, маданий қадриятларга олий даражадаги қадриятлар сифатидаги муносабатни шакллантириш мақсадини қўйган ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотларнинг асосий ҳужжатларида ёрқин акс эттирилгандир.

REFERENCES

1. Юнусова, Н. Ш., & Яхяева, М. (2022). МОЛОДЕЖЬ И ИНФОРМАЦИОННАЯ СРЕДА. *Academic research in educational sciences*, 3(10), 372-376.

2. Юнусова, Н. Ш. (2022). Ёш Мутахассисларни Тарбиялашда Қадриятларнинг Ўрни. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 1), 339-341.
3. Юнусова, Н. Ш., Назарова, Н. Ж., & Жуманиязова, Н. С. (2022). Педагогларда касбий компетенцияни такомиллаштириш (олий таълим тизими мисолида). *Современное образование (Узбекистан)*, (6 (115)), 9-16.
4. Юнусова, Н. Ш., Алимухаммедов, Ж., & Суяров, М. (2022). Транспорт Соҳасида Мутахассисларни Тайёрлашда Дин Ба Ахлоқ Масалалари. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 1), 222-226.
5. Sharifovna, Y. N. (2021). Theoretical Fundamentals of Spiritual Culture Research. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 2(9), 111-115.
6. Юнусова Насиба Шарифовна, Назарова Нилюфар Жўраевна, & Жуманиязова Насиба Сапарбоевна (2022). ПЕДАГОГЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МИСОЛИДА). Современное образование (Узбекистан), (6 (115)), 9-16. doi: 10.34920/SO/VOL_2022_ISSUE_6_2
7. Sharifovna, Y. N. (2021). Mass Cultureand Informational-Psychological Security in The Modern Process. *Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT*, 9, 68-72.
8. Yunusova, N. S. (2016). The Spiritual Education In Uzbek Family. *Theoretical & Applied Science*, (3), 68-71.
9. Юнусова, Н. (2023). ҲОЗИРГИ ЗАМОН ВА ОММАВИЙ МАДАНИЯТ. *World scientific research journal*, 11(1), 14-21.
10. Baratov, R., Nuriddinov, S., Tokhtaboev, E., & Achilova, G. (2022, June). "One belt-one road" initiative-as a modern transport logistics. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2432, No. 1, p. 030058). AIP Publishing LLC.
11. Раматов, Ж. С., Муратова, Д., Султанов, С. Х., Тухтабоев, Э., Кушаков, Ф., & Хасанов, М. Н. (2022). ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ҚАДРИЯТЛАР ПЛЮРАЛИЗМИ. *World scientific research journal*, 8(1), 102-108.
12. Раматов, Ж.С., Баратов, Р.Ў., Султанов, С.Х., Муратова, Д.А., Хасанов, М.Н., & Эрниёзов, У.К. (2022). ЁШЛАР ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЙ ҚИЁФАСИ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУНМОХИЯТИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10), 376-386.
13. Джуманиёз Раматов, Розигуль Умарова, Рашид Баратов, Миршод Хасанов, Сиродж Султонов, Файзулла Кушаков ПРОБЛЕМЫ ВЛИЯНИЯ ИСЛАМА НА ТРАНСФОРМАЦИЯ СОЗНАНИЯ // Академические исследования в области

педагогических наук. 2022. №10. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problems-of-influence-of-islam-on-coding-transformation> (дата обращения: 31.01.2023).

14. Hasanov M., Tuhtaboev E. THE PERFORMANCE OF THE PERFECT MAN IN THE EASTERN RENAISSANCE (ON THE EXAMPLE OF FARABI'S VIEWS) //Innovative Technologica: Methodical Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 05. – С. 1-6.

15. М.Н.Ҳасанов, Д.А.Ҳафизов, Р.Х.Тоиров, & Х.Қ.Болтабоев. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙ ЯШАГАН ДАВРДАГИ ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 137–140. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/new/article/view/627>

16. Jumaniyoz Ramatov, Rozigul Umarova, Rashid Baratov, Mirshod Khasanov, Siroj Sultonov, & Fayzulla Kushakov (2022). MODERN REQUIREMENTS FOR THE SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE AND ITS MANIFESTATION IN PRACTICE. Academic research in educational sciences, 3 (10), 582-586.

17. Ramatov, J.S., & Khasanov, M.N. (2022). SOCIAL ASPECTS OF PROFESSIONAL QUALITY IMPROVEMENT (ON THE EXAMPLE OF THE RAILWAY SECTOR). Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (6), 969-976.

18. Раматов, Ж.С., Валиев, Л.А., & Хасанов, М.Н. (2022). XIX АСРДА ҲИНДИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ – ФАЛСАФИЙ ЖАРАЁНЛАР. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (6), 1070-1078.

19. Жўрабоев, Н. Ю., Кушаков, Ф. А., Султанов, С. Ҳ., & Хасанов, М. Н. (2022). КОНФУЦИЙЛИК ХУСУСИЯТЛАРИДАН ХИТОЙ ФАЛСАФАСИНИНГ КЕНГАЙИШИ. World scientific research journal, 9(2), 37-42.

20. Ruzigul, U., Nasirjan, J., Dilmurodkhakim, A., Mirshod, H., & Urozboy, E. (2020). Rationale and history of human reflections in the muslim philosophy. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(5), 1453-1458.